

## ЗЎРАВОНЛИК ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

*Мирзаева Барнохон Адхамовна*

*Андижон вилояти ИИБ маънавий маърифий ишилар ва  
кадрлар билан таъминлаш хизматининг хотин-қизлар  
масалалари бўйича ўринбосари.*

**Аннотация:** Ҳар қандай зўравонликнинг асосида ўзбошимчалик ва қонунсизлик ётади. Зўравонликнинг ҳар қандай кўринишлари ҳозирги кунда ҳалқаро ҳуқуқ билан таъқиқланган бўлсада, айрим ҳолларда зўравонликни қонун даражасига кўтариши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Тезисда зўравонлик ҳақидаги фалсафий концепциялар таҳлили ёритилган.

**Калит сўзлар:** зўравонлик, ижтимоий муносабат, жамият, жазо, фалсафий концепция, аҳлоқ, файласуф. ҳуқуқ.

**Аннотация:** В основе любого насилия лежит произвол и беззаконие. Хотя в настоящее время все формы насилия запрещены международным правом, в некоторых случаях насилие возводится в ранг закона. В тезисе дан анализ философских концепций насилия.

**Ключевые слова:** насилие, социальные отношения, общество, наказание, философская концепция, мораль, философ. верно.

**Abstract:** The basis of any violence is arbitrariness and lawlessness. Although all forms of violence are currently prohibited by international law, in some cases there are cases when violence is elevated to the level of law. The thesis provides an analysis of philosophical concepts of violence.

**Keywords:** violence, social relations, society. punishment, philosophical concept, morality, philosopher. law.

Зўравонлик инсон табиатига хос бўлган ҳатти-ҳаракатлар мажмуи сифатида антик давр алломалари, ўра аср ва янги даврдаги файласуф

олимларнинг дикқат-этибор марказида бўлиб келган.

Зўравонликнинг дастлаб, нормал ижтимоий муносабат сифатида қаралган бўлса, кейинчалик жуда секинлик билан бўлса ҳам дастлаб аҳлоқ доирасида, бундан сўнг эса хуқуқий майдонда уни таъкилаш ва бундай ҳааркатлар учун жазо бериш бошланган. Жамиятнинг тараққий этганлик даражаси зўравонликка қарши курашда аҳлоқий, хуқуқий ва институционал даражада кураша олиш билан ҳам ўлчанмоқда. Чунки, зўравонлик кўпинча жамиятдаги аҳлоқий қадриятлар, хуқуқий коллизия ва бир қанча институтларни сақлаб қолишида ёрдам берувчи восита сифатида ҳам талқин қилинади. Айниқса, жамиятнинг консерватив қатлами ҳанузгача болалар ва аёлларга нисбатан зўравонликни оқламасаларда, унга қарши қарши жазо чоралари қўллашни қувватламайди.

Ўзбекистонда ижтимоий фанлар тараққиёти шу вақтга қадар кам ўрганилган ижтимоий ҳодисаларнинг фалсафий моҳиятини чуқур таҳлил қилиш имкониятини яратмоқда. Зўравонликнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти бўйича мамлакатимизда йирик тадқиқотлар амалга оширилмаган бўлиб, факатгина хуқуқшунослик фанлари доирасида масаланинг айрим жиҳатлари ёритиб берилган. Ҳолбуки, дунёда зўравонликнинг ижтоимоий-фалсафий моҳияти ва у билан боғлиқ масалалар бўйича жуда кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида зўравонлик тушунчасига: “Зўравонларга хос хатти-ҳаракат; зўрлик, куч ишлатиш” деб таъриф берилган. Бу сўзнинг ўзагида ётган “зўр” атамасига эса “куч, қудрат; уриниш; тазиик; зулм” сифатида таъриф берилган. Умуман олиб қараганда зўр сўзи зулм каби бир хил салбий бўёқдорликка эга эмас, баъзан у ижобий ҳолат сифатида нарса-предметнинг ёқимли жиҳатларини акс эттириш учун ҳам ишлатилади. Зўравонлик эса тўлиқ салбий маънода ишлатилади. Бу сўзнинг ўзагида ётган куч – зўрликни ҳаддан ортиқ ишлатиш натижасида вужудга келадиган салбий ҳолатлар зўравонлик сифатида баҳоланади. Зўравонликка энг яқин нисбатан ижобий хусусиятга синоним сўз куч ишлатиш бўлиб, у баъзан қонуний (адолатли), баъзан эса адолатсиз (ноқонуний) бўлиши мумкин. Мисол учун ожиз аҳволда қолган инсон

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

– ёши катта одам, аёл ёки болаларга нисбатан куч ишлатиш жамият томонидан бир текис қораланса, мавжуд хавф-хатарни олдини олиш ёки жамоат тартибини сақлаб қолиш ёинки жиноятчини заарсизлантириш учун куч ишлатиш олқишиланиши мумкин. Умуман олиб қараган ўзбек тилида зўравонлик мавжуд куч ва воситаларни бошқа инсонга зулм қилиш учун ишлатиш сифатида баҳоланади.

С.И.Ожеговнинг “Рус тили лугати”да зўравонлик бошқа инсонга жисмоний куч ишлатиш, инсоннинг шахсий дахлсизлиги бузишга қаратилган мажбурий ҳаракат ҳамда зулм, ўзбошимчалик ҳам қонунсизлик сифатида талқин қилинади. Рус тилида ҳам зўравонлик сўзининг негизида куч сўзи ётади ҳам юкорида қайд этиб ўтилганидек қатор ҳолатларда зўравонлик намоён бўлиши қайд этиб ўтилган. Рус тилида зўравонликни қатъий учта намоён бўлиш ышакли ажратиб ўтилгашан бўлиб, аввламбор жисмоний куч ишлатишга нисбатан қўлланган. Ҳар қандай жисмоний куч ишлатиш ҳам зўравонлик сифатида баҳоланган. Шу билан бирга қайд этиб ўтиш керакки, зўравонликни аҳлоқий ва ҳуқуқий томонлари мавжуд бўлиб, аҳлоқий жиҳатдан ҳар қандай куч ишлатиш аҳлоққа зид бўлиши мумкин. Чунки, инсон олий мавжудот ва олий қадрият. Унга нисбатан жисмоний куч ишлатиш қийнаш, озодликдан чеклаш ва бошқа ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳуқуқий нуқтай назардан эса жисмоний куч ишлатиш давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ажралмас қисмидир. Рус тилида зўравонлик инсоннинг шахсий дахлсизлигига путур етказиш шаклида ҳам талқин қилинади. Шахсий дахлсизлик жисмоний куч ишлатишидан кўра анча кенг қамровли тушунча бўлиб, у инсоннинг шаъни-қадр-қимматига дахл қилишда намоён бўлиши мумкин. Инсон шаъни инсоннинг ўз-ўзига берган баҳоси бўлса, қадр-қиммати жамиятнинг унга берган ижтимоий баҳосидир. Жамиятнинг бошқа аъзоларини инсоннинг ўзига нисбатан хурматини ҳам бошқалар берган баҳосини хурмат қилиши керак бўлади. Ҳар қандай зўравонликнинг асосида ўзбошимчалик ва қонунсизлик ётади. Зўравонликнинг ҳар қандай кўринишлари ҳозирги кунда халқаро ҳуқуқ билан таъқиқланган бўлсада, айрим ҳолларда

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

зўравонликни қонун даражасига қўтариш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Мисол учун, Истроил давлати 2023 йилнинг сентябрь ойидан март ойигача Ғазо секторида амалга оширган ҳужум натижасида 30 мингдан ортиқ аёллар ва болалар ҳалок бўлди. Умуман олиб қараганда эса ер юзида ҳар йили зўравонликлар натижасида 1,2 млн одам вафот этади.

Америка Қўшма Штатларидаги энг дастлабки луғатларидан бўлган Мерриам-Вебстер луғатида зўравонликнинг тўрт аспекти ёритиб берилган. Биринчидан инсонга нисбатан шикаст етказиш, заарар етказиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини сустеъмол қилиш ва куч ишлатиш; иккинчидан ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш, ҳуқуқбузарлик, таҳқирлаш, руҳий жароҳат етказиш; учинчидан табиий ҳодисаларга нисбатан ишлатиладиган ҳалокатли таъсир (мисол учун торнадонинг хонавайрон қилувчи кучи), шиддат, келишмовчилик; тўртинчидан матндаги асоссиз ўзгартириш ва қўшимчага нисбатан ҳам зўравонлик тушунчалари ишлатилади. Кўриниб турибдики инглиз тилида бу сўз анча кенг маъноларни ифодалайди. Анъанавий инсонга нисбатан асоссиз куч ишлатиш каби маънолари билан бирга унга нисбатан маънавий ва руҳий босим ўтказиш, ҳуқуқбузарлик ҳам зўравонлик сифатида қабул қилинади. Шу билан биргаликда табиат ҳодисаларига нисбатан ҳам зўравонлик ишлатилиб, у мавжуд барқарор муҳитни шиддат билан бузиб юборадиган ҳодисларни ифодалаш учун ишлатилади. Инглиз тилидаги зўравонлик сўзи ўзбек тилидагни зраки сўзи каби маълум бир ҳолатда сохталикни ҳам ифодалashi мумкин. Бу эса куч билан ана шу маънога, асосиз равишда олиб келиш ёки талқин қилиш сифатида қўлланишини кўриш мумкин.

Инглиз тилида зўравонликнинг синоними сифатида шафқатсизлик, ҳужум, куч, ғалаён, мажбурлаш, босим, ваҳшийлик, заарар, таҳдид, ғазаб, қўзғалон, нотинчлик, безорилик, майиб қилиш, уруш, террор, зарба ва тажовуз сўzlари ишлатилади. Умуман олиб қарганда эса инглиз тилида зўравонлик ўзбек тилига нисбатан кенгроқ ижтимоий муносабатларни ва ҳодисаларни ифодалашга хизмат қиласди. Зўравонликнинг инглиз тилидаги ифодаси нафақат инглиз тилида гаплашувчи юзлаб мамлакатларда уни тушуниш учун ишлатилади, балки

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

ҳалқаро ҳужжатларда ҳам акс этиб бутун дунё миқёсида бир хилда қабул қилиш учун ҳам асос бўлади.

Инсоннинг зўравонлик табиати қадим-қадимдан алломаларнинг дикқат эътибор марказида бўлиб келган. Арастунинг зўравонликнинг инсон эркинликларини чеклаш сифатида талқин қилган. Аллома зўравонликни жисмоний, ақлий жиҳатдан чеклаш ҳамда оиласдаги зўравонлик турларига батафсил таъриф бериб ўтган. Шунингдек, зўравонликнинг моддий зўравонлик – моддий бойликларн фойдаланишни чеклаш; тажрибавий-равионал зўравонлик – турли ҳаётий ҳолатлардаги зўравонлик бўлиб у инсоннинг ҳаётий тажрибасини оширишга хизмат қиласди; истеъмолчилик-физиологик зўравонлиги – инсоннинг ҳузур-ҳаловатга интилишда намоён бўлади; муносабатлардаги зўравонлик – у инсоннинг бошқалар билан ижтимоий муносбаталарга киришида намоён бўлади; оиласвий-маший зўравонлик – оиласдаги каби жамиятдаги муносабатларда ҳам тобелик хусусияти мавжуд бўлиб, у орқали зўравонлик намоён бўлади; тарбиядаги зўравонлик – бу давлатнинг жамиятдаги маълум бир қадриятларни шакллантиришдаги зўравонлигидир; давлатнинг зўравонлиги – давлатнинг жамият устидан хукмронлиги ўз ўзидан давлатнинг маълум бир зўравонлигини тақозо этади; қулдорлик зўравонлиги – қулларнинг меҳнатидан фойдаланишдаги зўравонлик; ҳарбий зўравонлик – бу жанговар ҳаракатлар вақтидаги зўравонлик бўлиб, Арасту буни энг сўнги чора сифатида талқин қилган. Арасту томонидан зўравонликнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти биринчилардан бўлиб тушунтириб берилган бўлиб, унда бу муносабат шаклига объектив ёндашув устуворлик қиласди. Зўравонлик тушунчаси ҳозирги кунда жуда кенг ва турлича талқин қилинади. Баъзан зўравонлик билан боғлиқ масалаларда жамоатчилик фикрини чалғитиши ҳолатлари ҳам учраб туради. Арасту эса ўз даврининг ижтимоий муносабатларидан келиб чиқиб, мавжуд ҳолатларни реаллик билан очиб очиб берган.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУГАТИ. А.МАДВАЛИЕВ ТАҲРИРИ ОСТИДА. ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦКЛОПЕДИЯСИ НАШРИЁТИ. – Б. 167.
2. [HTTPS://SLOVAROZHEGOVA.RU/WORD.PHP?WORDID=15969](https://SLOVAROZHEGOVA.RU/WORD.PHP?WORDID=15969)-  
ТОЛКОВЫЙ СЛОВАРЬ ОЖЕГОВА.
3. [HTTPS://NEWS.UN.ORG/RU/STORY/2024/03/1450292-B](https://NEWS.UN.ORG/RU/STORY/2024/03/1450292-B) СОВБЕЗЕ  
ОБСУДИЛИ СЕКСУАЛЬНОЕ НАСИЛИЕ В КОНТЕКСТЕ  
БЛИЖНЕВОСТОЧНОГО КОНФЛИКТА.
4. [HTTPS://WWW.NCBI.NLM.NIH.GOV/PMC/ARTICLES/PMC4340604](https://WWW.NCBI.NLM.NIH.GOV/PMC/ARTICLES/PMC4340604) -  
NATIONAL LIBRARY OF MEDICINE.
5. ИВАШИНА РОМАН АНАТОЛЬЕВИЧ (2022). ПОНЯТИЕ НАСИЛИЯ В  
СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ФИЛОСОФИИ АРИСТОТЕЛЯ. НАУЧНЫЙ  
РЕЗУЛЬТАТ. СОЦИАЛЬНЫЕ И ГУМАНИТАРНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ, 8 (3),  
153.
6. ПЛАТОН. ДИАЛОГИ/ПЕР.С ДРЕВНЕГРЕЧ.; ПРИМЕЧ. Л.СУММ. –  
МОСКВА. ЭКСМО, 2009. – С. 610.
7. ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ. ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДУР. ТОШКЕНТ,  
ТУРАНДОТ. 1997. - Б. 57.
8. ИВАШИНА Р.А., ЗАМАРАЕВ А.В. СХОДСТВО И ОТЛИЧИЯ В  
ПОНИМАНИИ НАСИЛИЯ ПЛАТОНА И ПАРИСТИКОЙ. КОНФЕРЕНЦИЯ  
“ЛОМОНОСОВ – 2014”. СЕПКЦИЯ “ФИЛОСОФИЯ. КУЛЬТУРОЛОГИЯ.  
РЕЛИГОВЕДЕНИЕ”. – С.1.
9. АБУ НАСР ФАРОБИЙ. ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАХРИ. ТОШКЕНТ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦКЛОПЕДИЯСИ НАШРИЁТИ. 2004 й. – Б. 53.